Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 27 (478) 2021 йил 9 апрель, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ҚУЙИ ПОҒОНАДАГИ РАҲБАРЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРИБ, ТАДБИРКОР БИЛАН ДЎСТ БЎЛИБ ИШЛАМАСА, НАТИЖА БЎЛМАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига жами 120 триллион сўмлик кредит ва молиявий ёрдамлар ажратилди. Натижада, пандемиядан зарар кўрган 104 мингдан ортиқ корхона фаолияти тикланиб, хусусий корхоналар пул айланмаси ўтган йилга нисбатан 33 фоизга ўсди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 27 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил топган. Тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга ўсган.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида барча соҳалар қатори диний-маърифий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Муқаддас динимизнинг тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик ғояларини, ислом цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни шу руҳда соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида кенг имкониятлар очилмоқда.

Айниқса, юртимиз мўмин-мусулмонлари халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат ва хайру саховат рамзи бўлиб келган муқаддас Рамазон ойини катта шоду хуррамлик ва шукроналик билан кутиб олиб, эзгу амалларни адо этмоқдалар.

Ушбу муборак ойнинг жамиятимиз ҳаётида тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг диний-маънавий қадриятларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида:

1. 2021 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши **13 апрель** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини **карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда** миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб ҳолда ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 апрель

### Шу куннинг гаплари

Наманган вилоятида 2021 йилда ички йўлларни таъмирлаш учун **300 млрд** сўм маблағ ажратилиши ва 1000 км йўл соз ҳолга келтирилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳиндистоннинг “Нефроплюс” компанияси инвесторлари Хоразм вилоятининг Боғот туманида беморларга бепул хизмат кўрсатадиган **геомодиализ маркazини** қуриб, 2022 йилда ишга туширишни мўлжаллашди.

Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида 39-давлат МТТнинг янги биноси ишга тушди. Уни бунёд этиш учун **3 млрд** сўм сарф қилинди.

Пойтахт вилоятининг Нурафшон шаҳрида хитойлик ҳамкорлар иштирокида ўрдакчилик кластери ташкил қилинади. 2 гектарга сарфланадиган **6 млн** долларлик лойиҳа 2021-2022 йилларда тўлиқ амалга оширилади.

Фарғонанинг Ўзбекистон туманидаги Бўстон қишлоғида 140 метр чуқурликдан ичимлик сув чиқарилади. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан **48 млн** сўм маблағ ажратилди.

## Фарғонанинг бугунги кўркам қиёфаси




**Водий гавҳари Фарғонада кейинги йилларда амалга оширилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар туфайли, шаҳар янада кўркам қиёфа касб этмоқда.**

Айни жараёнда тарихий-меъморий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий шаҳарсозлик меъморчилиги анъаналари асосида янги иншоотлар, таълим-тарбия, маданият ва маърифат, санъат, спорт, соғлиқни сақлаш масканлари бунёд этиляпти.

Шу кунларда Алишер Навоий кўчасида барпо этилаётган 11 та 12 қаватдан иборат шинам уй-жойлар вилоят марказига ўзига хос улуғворлик ва муҳташамлик бахш этган.

Бу кўп қаватли уйлар “Файз бинокор қурилиш монтаж” корхонаси, “426-хўжаликлараро ихтисослаштирилган кўчма колонна” ва “Фарғона қурилиш кўрки” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилмоқда. Турар жой биносининг 1-2 қаватларида Ҳунармандлар маркази, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекси ва соғломлаштириш мажмуаси фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган.



**Суратларда:** Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий кўчасида 11 та 12 қаватдан иборат шинам уй-жойлар барпо этилмоқда.
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Қурилиш вазирлигида

## Онлайн мулоқот: муаммо ва ечимлар



Қурилиш вазирлигида ZOOM платформаси орқали қурилишда муаммо ва ечимлар мавзусига бағишланган онлайн мулоқот ташкил этилди.

Унда Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Даврон Адилов, бошқарма бошлиқлари, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган етакчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вазирлик таркибидаги институтларнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари иштирок этишди.

Онлайн мулоқотда асосий эътибор соҳадаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга қаратилди.

## Халқаро ҳамкорлик истиқболлари

Жорий йилнинг 6 апрель куни Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Даврон Адилов хитойлик қурилиш компания вакиллари билан мулоқот қилди.

Учрашув кўп қаватли турар жойлар, замонавий бинолар қурилишига оид масалалар муҳокамасига қаратилди ва бу борада мамлакатимизда яратилаётган шароитлар хусусида фикр алмашилди. Меҳмонлар ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини айтиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Даврон Адилов шу куннинг ўзида юртимизнинг бир неча фуқаролари, олимлари билан ҳам мулоқот қилди. Улар қурилиш самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган янги технологияларни ҳаётга татбиқ этиш масаласида, шунингдек, ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишди. Таклифлар қўллаб-қувватланди, муаммолар жойига чиқиб ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида назоратга олинди.

## Фуқароларнинг муаммолари эшитилди

Барча ҳаракатлар халқ учун, фаровонлик учун. Сўнгги йилларда давлат идораларининг фуқаролар билан ишлаш тизими бир қадар юксалди. Халқнинг дардини эшитиш ва уларни қийнаётган масалалар мутасаддилар эътиборида.

7 апрель куни Қурилиш вазири ўринбосари Шуҳратхўжа Ҳошимов бир неча юртдошларимиз билан мулоқот қилди.

Мулоқот жараёнида фуқаролар ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан мурожаат қилишди ва ўз таклифларини билдиришди. Учрашувлардан сўнг мурожаатлар атрофлича муҳокама қилиниб, қўшимча ўрганиш ва ҳал қилиш мақсадида назоратга олинди.

Учрашув давомида соҳадаги корхона ва ташкилотларнинг муаммолари, уларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди. Шунингдек, мавжуд шарт-шароитлар ҳамда молиявий улушлар каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27 (478) 2021 йил 9 апрель

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

# ҚУЙИ ПОҒОНАДАГИ РАҲБАРЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРИБ, ТАДБИРКОР БИЛАН ДЎСТ БЎЛИБ ИШЛАМАСА, НАТИЖА БЎЛМАЙДИ

1-бет

Йиғилишда айрим ҳудуд ва сектор раҳбарлари яратилган бу имкониятлардан ҳалигача тўлиқ фойдалана олмаётгани қайд этилди.

– Жуда оғир йилларда яшаяпмиз. Ҳар куни изланиш, интилиш ва пировард мақсадга ишлаш керак. Тадбиркорни қўллаб-қувватламасак, уларга шароит яратмасак, тадбиркорларни кўпайтирмасак, шаҳар ва туманларда маҳаллий бюджет кўпаймайди-ку. Биз қанчалик кўп маблағ бермайлик, фармон-қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, қуйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркор билан дўст бўлиб ишламаса, натижа бўлмайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарларига ўз ҳудудида тадбиркорликнинг аҳволи кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддилардан қайси ҳудудда қайси тадбиркорлик йўналишлари ривожлантирилиб, нечта янги лойиҳа амалга оширилиши, қанча иш ўрни яратилиб, қанча аҳоли иш билан таъминланиши бўйича сўров бўлди.

Айтиб ўтилганидек, ривожланишдан ортда қолган 33 та тумандан 28 тасида кескин ўзгариш бўлган. Бу туманларда 2 мингта янги лойиҳа бажарилиб, 25 мингта янги иш ўрни яратилган.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига шу тажриба асосида, ҳар бир маҳалланинг ривожланиш дастурини ишлаб чиқиб, маҳаллий кенгашларда тасдиқлаш, ижросини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тадбиркорлик учун ер ва бинолар ажратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлигини таъминлаш учун уларга ўзи яшайдиган маҳаллада шароит яратиб бериш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, маҳалла идоралари биносида тадбиркорлик лойиҳаларини ишга тушириш ёки хусусий шериклик асосида бино қуриб, биргаликда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, замонавий конструкциялардан кўчма шохобчалар қуриш ҳам қулай ва арзон.

Мутасадди ташкилотларга енгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, уларни аукцион орқали жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларининг бошланғич нархини 50 фоизгача чегирма билан сотувга қўйиш ваколатини маҳаллий кенгашларга бериш таклифи билдирилди. Бундан ташқари, унумдорлиги паст бўлган ва фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги ерларида ҳам кичик саноат зоналари ташкил этиш мумкинлиги айтилди.

Бизнес барқарорлиги учун инфратузилма сув ва ҳаводек зарур. Лекин жойларда бу борада камчиликлар борлиги тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлмоқда.

Жумладан, инфратузилмадаги муаммолар туфайли 320 та тадбиркор сўнгги 2 йилда импорт қилган 220 миллион долларлик асбоб-ускуналарини ишга тушира олмаяпти.

Яна бир мисол – электр қуввати паст бўлгани боис, Янгиҳаёт туманидаги 24 та корхонада 2,5 мингта иш ўрни ва экспортдан йилига 25 миллион доллар йўқотилмоқда.

Шу боис саноат зоналарини инфратузилма билан таъминлашга жорий йилда 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда. Бунинг эвазига йил якунига қадар 168 та саноат зонаси 468 километр электр энергияси, 362 километр газ, 405 километр сув ва 104 километр йўл билан таъминланади.

Бизнес-омбудсманга жойларга чиқиб, тадбиркорларнинг инфратузилма билан боғлиқ муаммоларини ўрганиб бориш ва уларни ҳал этиш бўйича Бош вазирга таклифлар киритиш топширилди.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Пандемия даврида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 1 триллион сўм ажратилган эди. Бунинг ҳисобидан 20 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Шу боис, Марказий банкка жорий йилда оилавий тадбиркорлик учун ажратилаётган маблағларнинг камида 1 триллион сўмини хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги лойиҳаларга йўналтириш бўйича кўрсатма берилди.

Шунингдек, компенсация бериладиган кредитлар фоизи миқдори Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан 1,75 бараваригача оширилиши белгиланди.

Жорий йилда тадбиркорларга айланма маблағлар учун камида 40 триллион сўм кредит, бундан ташқари, Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 1 триллион сўми ҳисобидан экспортёрларга “револьвер” кредитлар ажратиш муҳимлиги айтилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида уч йил давомида солиқларни ўз вақтида тўлаган интизомли тадбиркорларга солиқларнинг 50 фоизини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш тартиби ишлаб чиқилади.

Шунингдек, экспортнинг валютаси чет элдан ўз вақтида келиб тушмагани учун жарима миқдорини 2 бараварга қисқартириш, мажбурий ижро орқали ундириладиган қарздорликни бюджет ва тадбиркорлар фойдасига тенг тақсимлаш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат харидлари кичик ва ўрта бизнес учун катта имконият экани, ҳокимлар тадбиркорларни ушбу жараёнга янада фаол жалб қилиб, уларнинг давлат харидларидаги улушини камида 2 бараварга ошириши зарурлиги таъкидланди.

Тадбиркорлик ривожи бандлик масаласи билан боғлиқ. Жорий йилда бандлик дастури асосида 457 мингта доимий янги иш ўрни ташкил этиш мақсад қилинган.

Хусусан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда янги якка тадбиркорлар фаолиятини ташкил этиш ҳисобига 210 мингта, тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳалари ҳисобига 248 мингта янги иш ўрни очиш мўлжалланган.

Бундан ташқари, 40 минг нафар ишсизларга ўзини ўзи банд этиши учун 92 миллиард сўм субсидия ажратилиши белгиланган.

Йиғилишда бу масаланинг долзарблигига яна бир бор аҳамият қаратилиб, мутасаддиларга қатор топшириқлар берилди.

Жорий йил биринчи чорагида 36 триллион сўм бюджет тушуми таъминланиб, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 1,6 триллион сўм қолдирилгани қайд этилди. Бор манбаларни кенгайтириб ва қўшимча захираларни таҳлил қилиб, бундан буён ҳам тушумларни кафолатли таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Фаолиятида сусткашликка йўл қўйган, тадбиркорлар билан ишлашга етарлича эътибор бермаган ҳокимлар ва сектор раҳбарларига нисбатан интизомий чоралар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

**ЎзА.**

# Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori”
мухбири.



**Мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан хориж бозорларига тақдим этилаётган қурилиш ашёларининг салмоғи кенгайиб бораётгани эътиборга молик.**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан ташкил этилган анжуманда 2021 йилда қурилиш материаллари саноати соҳасида 24 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилаётгани таъкидланди. Хусусан, 16,4 млн тонна цемент, 28 млн квадрат метр ойна, 2,6 млн ўрам обой, 1,5 млн куб метр газоблок, 62 млн квадрат метр гипсокартон шулар жумласидан.

– Ишлаб чиқариш кўлами ортган, – деди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарма бошлиғи Баҳром Аллабергенов. – Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида 863 та лойиҳага барча манбаалар ҳисобидан 2,1 млрд доллар, шундан 1,44 млрд доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилади. Шунингдек, умумий қиймати 1,45 млрд доллар бўлган 793 та лойҳалар ишга туширилади ва 20,7 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади.

Авваллари гулқоғозлар хориждан импорт қилинар эди. Ўтган йили Германия технологиялари асосида Тошкентда янги лойиҳа доирасида завод ишга туширилди. Газобетон ҳам маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётгани самарасида кўп қаватли турар жойларнинг қурилишида кенг фойдаланилмоқда. Ушбу қурилиш материали енгил ҳамда ҳажми катта бўлгани боис, биноларнинг тез фурсатда сифатли қад кўтаришига замин яратади. Бу эса вақтни ҳам, маблағни ҳам тежаб, уйларда иссиқликни сақлаш имкониятини беради.

Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, жорий йил якунига қадар қурилиш материаллари соҳасида 270 млн долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 17 турдаги маҳсулотлар бўйича 905 млрд сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

– 2021 йилда кўмирда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 млн тоннадан 2,5 млн тоннага етказилади, – деди Б. Аллабергенов. – 2020 йилда Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида йиллик қуввати 1,8 млн тоннага тенг 3 та цемент заводи ишга туширилди. Ҳозирги кунда республика бўйича цемент ишлаб чиқариш қуввати 20 млн тоннани ташкил этади. Эътиборлиси, ўтган йилда 2 млн 509,2 минг тонна цемент импорт, 530,3 минг тонна цемент экспорт қилинган. Жорий йилда қуввати 8,6 млн тоннага тенг цемент ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, 2021-2023 йилларда Фарғона вилоятида 3 та, Сурхондарёда 3 та ва Наманганда 4 та янги цемент заводлари барпо этиш режалаштирилган.

# Зомин йирик туристик марказга айланмоқда

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
ЎзА мухбири.

**Зомин тоғларида пиёда, велосипедда, чанғида, вертолётда, электромобилда саёҳат қилиш учун шароит яратилмоқда;**

**Тоғ чўққилари орасига ўрнатиладиган дор йўлларида сайр қилиб, табиатдан баҳра олиш имкони бўлади;**

**Замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар объектлар бунёд этилади;**

**Спортнинг экстремал турлари, шу жумладан, зиплайн, фотосуратлар олиш учун манзарали ва ноёб жойларда селфи қилиш учун махсус жойлар сизни кутади...**

Жиззах вилоятининг Зомин тумани юксак тоғлари, фусункор табиати билан ном қозонган. Минглаб гектар майдонларни эгаллаган арчазорлар туфайли бу замин ҳавоси кислородга жуда бой. Шу боис бу манзил қишин-ёзин сайёҳлар билан гавжум.

Зоминдаги тоғлар орасида жойлашган “Суффа” платоси ҳам ўзига хослиги билан ном чиқарган. Айнан шу ерда “Суффа платоси. 2400” халқаро умуммавсумий курорти ва “Ўриклисой” туризм мажмуаси барпо этилади.

Бу ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Зомин” туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида амалга оширилади.

Тоғли ҳудудларнинг мавжуд туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, алқаро умуммавсумий курортлар, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида қабул қилинган фармон билан “Зомин” туристик-рекреацион зонаси ташкил этилмоқда.

Туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қурилади. Шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилма объектлари бунёд этилади.

“Суффа платоси. 2400” халқаро умуммавсумий курорти ва “Ўриклисой” туризм мажмуаси ҳам мазкур туристик зона ҳудудида бўлади. Тегишли ташкилотлар жорий йил якунигача Туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқади. Унда ҳудуддаги электр тармоқларини ер остидан ўтказиш, туристик зона ҳамда уни бошқа ҳудудлар билан боғловчи йўлларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Ҳудуддаги электромобиллар ва бошқа турдаги транспорт воситалари (қувват олувчи гибрид транспорт воситалари) учун электр қувватланиш станциялари қурилади. Ҳудудда ўрнатилган тартибда аэронавигация воситалари ва кичик сиғимдаги ҳаво кемалари, яъни вертолётлар учун учиш-қўниш майдончалари жойлаштирилади.

Спортнинг экстремал турлари, шу жумладан, зиплайн, фотосуратлар олиш учун манзарали ва ноёб жойларда селфи зоналар каби объектлар бунёд этилади. Санитария-гигиена шохобчалари, йўл кўрсаткичлари бўлиши эса табиий. Шу жумладан, сувенир ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси объектларини жойлаштириш ҳам эътибордан четда қолмайди.

Фармонда туристик зонанинг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишда лойиҳалаштириш ва консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар жалб қилиниши, уларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ жараёнлар ечими ҳам кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, дор йўлларини лойиҳалаштириш ва тоғ-чанғи кўтаргичлар қуриш учун нуфузли ташкилотлар, шу жумладан, салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторлар жалб қилинади. Туристик зона ҳудудидаги истиқболли ва устувор лойиҳалар рўйхатларини шакллантириш ҳамда дастлабки туризм, йўл-транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва грант маблағларини жалб қилиш чоралари кўрилади.

# “Ақлли” газ ҳисоблагичлар ўрнатиляпти

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori”
мухбири.

**Табиий газдан фойдаланувчи барча хонадонларга 2021 йил сўнгига қадар “ақлли” ҳисоблагичлар ўрнатилади.**



Бу маълумотлар Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Айрончи маҳалласида “Navoiy hududgaz” газ таъминоти филиали томонидан ўтказилган пресс-турда маълум қилинди. Филиал бош муҳандиси Баҳриддин Худаяровнинг эътирофича, вилоятда 152 мингдан ортиқ истеъмолчилар бўлиб, айни кунгача 38 минг 597 та хонадонга ушбу турдаги ҳисоблагич ўрнатилган. Шунингдек, тадбирда “ақлли” ҳисоблагичнинг кодланиб қолиш ҳолатлари ва сабаблари ҳақида саволларга ҳам ойдинлик киритилиб, энди бу жараёнларга барҳам берилгани маълум қилинди.

Журналистлар янги ҳисоблагичларнинг ўрнатилиш жараёни билан ҳам яқиндан танишишди. Айни дамда Қизилтепа туманидаги 19 минг 251 та хонадоннинг 2 минг 500 дан ортиғида бу ҳисоблагич ўрнатиб бўлинган. 4 та пудратчи ташкилотлар ва фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида 40 дан ортиқ пайвандчи, чилангарлар иштирокида давом этаётган бу жараён май ойи охирида ниҳоясига етказилиши режалаштирилган. Бир вақтнинг ўзида туманнинг Ванғози, Узилишкент, Гулзор, Айрончи, Гулбоғ, Бўстон, Сўфиён, Ўзбекистон, Фурқат, Ғойибон ва Алишер Навоий маҳаллаларида ҳисоблагич ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда туманнинг Айрончи ва Гулбоғ маҳаллаларида Дастур доирасида
**4 километр**
газ қувурлари тартибга келтирилади,
14 та тақсимлаш қурилмалари мукаммал таъмирланади.

# Янги тизим афзаллиги

**Ҳамза ШУКУРОВ.**
“O‘zbekiston bunyodkori”
мухбири.

**Қаерда интизом бўлса, ўша жойда муваффақиятларга кенг йўл очилади. Қурилиш амалиётида аниқ техник хулосага асосланган бошқариш усули жорий этилаётгани ва соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари изчил қўлланилаётганлиги ўз натижасини кўрсата бошлади. Жумладан, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида янги инновацион технологиялардан унумли фойдаланганлик кўплаб қулайликлар яратмоқда.**

Бу, соҳадаги давлат харидлари танлови – тендерларни ўтказишга ҳам ижобий таъсир этиб, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, бинокорлик йўналишидаги коррупция тўсиқларини йўқотишга хизмат қиляпти. Ўз навбатида, Танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказлари фаолияти такомиллашувида яққол сезилаётир.

– Қурилиш соҳасидаги савдолар электрон шаклда олиб борилиши, оферталарни баҳолашнинг автоматик тизими беқиёс афзалликка эга экан, – деди Самарқанд вилояти Танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази директори Суҳроб Гулямов. – Унда тендер жараёнлари онлайн тарзда амалга ошириляпти. Электрон тизимга рейтинги бор ташкилотлар киритилиб, улар ўзларини қизиқтирган объект бўйича савдода қатнашишяпти. Даъвогарлар нечта ва кимлигини олдиндан билиш мумкин эмас. Яъни, бунда инсон омили минимал даражада иштирок этади. Статистик ва таҳлилий материаллар жонли тарзда шаклланиб, соғлом рақобат муҳити юзага келмоқда.

Шуни айтиш керакки, айни пайтда марказда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компаниясининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва коллеж қурилиши бўйича 45 та, “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУКнинг 16 та МТТ, “Самарқанд сувқурилишинвест” ДУКка тегишли 3 та манзилли дастурга киритилган объектларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича савдолари ташкиллаштирилиб, “Шаффоф қурилиш” платформаси ва электрон тизимда амалга оширилаётир.

# Тадбиркорнинг саховатли ишлари

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кейинги йилларда ўзгача касб этмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан “Тадбиркор – юртга мададкор” тамойили илгари сурилиб, уларга кўплаб имтиёзлар яратиб беріляпти.**

Тошлоқлик Фарҳод Ботиров ҳам кўплар қатори тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. 2018 йилда Бешолиш даҳасидан 0,5 гектар ер майдонини тендерда қўлга киритгач, тадбиркор янги лойиҳалар устида иш бошлади. Шу йили туман ҳокими томонидан унга қўшимча 0,85 гектар ер майдони ажратилди.

– Автомобилларга 14 хил турдаги эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширдик. – Ҳозирда мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан 70 га яқин ишчилар хизмат қилмоқда, – деди “Agro impex valley” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона таъсисчиси Ф. Ботиров.



**Суратда:** тадбиркор Фарҳод Ботиров фаолиятидан лавҳа.
**Муаллиф олган сурат.**

Тадбиркор ташаббуси билан ҳудуддаги 50 дан ортиқ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ҳамда “Темир дафтар”га киритилган хонадонлардаги ишсиз фуқаролар доимий даромад манбаига эга бўлишди.

Маҳаллада тадбиркорлар сони қанчалик кўп бўлса, ўша ҳудуддаги муаммолар ҳал этилиб, ижобий ишларнинг салмоғи ҳам кўп бўлади. Ишбилармон тумандаги Пиёзчилик маҳалласи, Муҳандис кўчасида яшайди. Тадбиркорнинг кўп йиллик орзуси шу йили амалга ошди. 30 дан ортиқ хонадон истиқомат қиладиган кўчанинг 400 метр қисми 4,5 метр кенгликда асфальт қилинди. Маҳалладошларига доимий электр таъминотини яхшилаш мақсадида кўчага бетон таянч устунлари ўрнатилиб, 1000 метрдан ортиқ тармоқ линиялари тортилди. Ф. Ботиров ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларга ҳам доимо ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Яқинда ана шундай оиланинг кўча деворлари қуриб битказилди.

Дарҳақиқат, бундай саховатпеша тадбиркорлар сони туманда йил сайин ортиб бормоқда. Жорий йилда уларнинг сафи 435 тага кўпайиши кутиляпти. Албатта, бу, аҳолининг ишбилармон қатламига қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганидан далолатдир.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27 (478) 2021 йил 9 апрель



# Коррупция: халқаро ҳамкорлик ва ички назорат

**Бахтиёр КАРАБАЕВ,**
Қурилиш вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси.

**Ўтган даврда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, Қурилиш вазирлиги тизимида БМТ Тараққиёт дастури кўмаги билан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган “комплаенс назорат” тизими жорий этилди.**



Шу кунларда Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси таркибида “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган бўлиб, уларда 16 нафар комплаенс-назорат инспекторлари иш олиб бормоқда. Шунингдек, вазирликнинг ҳудудий Қурилиш бош бошқармалари ҳамда тизим ташкилотларида мазкур йўналиш бўйича алоҳида мутахассислар бириктирилди.

Қурилиш вазирининг “Қурилиш вазирлигининг марказий аппаратида коррупцияга қарши курашиш бўлими (комплаенс-назорат)ни ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинган бўлиб, унга асосан вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган штат бирликлари жорий қилинди. Ушбу бўлим томонидан коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг фаолияти қонунийлик, холислик, очиқлик ва шаффофлик принципларига асосланган. Вазирлик тизимида коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар Италиянинг Халқаро аудиторлик компанияси – “KPMG” экспертлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ушбу жараён бир нечта босқични қамраб олади. Мазкур компания экспертлари билан биринчи босқичда қурилиш соҳасига тааллуқли 25 та қонун ва 30 та вазирлик ички ҳужжатлари таҳлил қилинди. Шулар баробарида “KPMG” экспертлари томонидан 27 нафар вазирлик бошқармалари ва бўлим бошлиқлари билан 40 соатлик интервью ўтказиб, тизимда юзага келаётган коррупцион ҳолатлар келиб чиқишининг 70 та сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан элликка яқин тавсиялар ишлаб чиқилди. “KPMG” экспертлари вазирлик фаолияти тўғрисида умумий ҳисоботни ишлаб чиқди ва Қурилиш вазирлигига тақдим этди.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнларида мамлакатни ҳар томонлама ислоҳ қилиш, ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларни барқарор ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар, хусусан, очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш ишлари олиб борилди. Эндиликда, вазирлик ҳақидаги маълумотлар, раҳбарият қабул кунлари ва алоқа маълумотлари, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари, қурилиш жараёнлари калькуляторi интерактив хизмати, қурилиш ишлари тендер платформаси тендер ғолиблари тўғрисидаги маълумотлар, келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари – эскиз маълумотлари каби бир қатор йўналишларларнинг шаффофлиги таъминланди.

# “Чортоқ темир бетон” маҳсулотлари

**Наманган вилояти Чортоқ туманидаги “Чортоқ темир бетон” масъулияти чекланган жамияти темир бетон таянчлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

24 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада 9,5 метрли 04 йўналишдаги ҳамда юқори кучланишли тармоқлар учун мўлжалланган 10,5 метрли темир бетон устунлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш технологияси Хитой давлатидан келтирилган.

– Корхонамиз бир кунда 50 дона маҳсулот маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди МЧЖ раҳбари Нурилла Сотволдиев. – Бир йиллик айрибошлаш қиймати 6,5-7 миллиард сўмни ташкил этмоқда.











**Суратларда:** Чортоқ туманидаги “Чортоқ темир бетон” масъулияти чекланган жамиятида.
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Тадбиркорлар муаммоси ўрганилди

**Зуҳриддин АҲАДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бухоро вилояти туманларида тадбиркорлар билан учрашув ва очиқ мулоқотлар ўтказила бошланди.**

Жумладан, Қоровулбозор туманидаги 23 нафар тадбиркор очиқ мулоқотда ўзларини қизиқтирган савол ва мурожаатлари билан ишчи гуруҳ вакилларига мурожаат қилишди. Уларни қийнаётган муаммо ер ва кредит ажратиш, бино олиш, аукцион савдолари билан боғлиқ эди.

– Аҳоли ва ташкилотларга компьютер хизматларини кўрсатиш учун тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганман, – дейди Муҳаммад Жалолов. – Эндиликда фаолиятимни кенгайтириб, ташқи реклама тайёрлаш хизматини ҳам йўлга қўймоқчиман. Зарур бўладиган ускунани харид қилишда маблағим етишмаяпти. Шу боис бугунги учрашувга 30 миллион кредит маблағи ажратилишида ёрдам сўраб келгандим. “Халқ банки”нинг туман бўлими вакиллари томонидан ушбу масалага ечим топилди.

Когон шаҳри, Олот ҳамда Қоракўл туманлари ҳокимликларида ўтган учрашувда ҳам ишбилармонларни ўйлантираётган масалалар атрофлича ўрганилди. Уларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилди.

Умуман, тижорат банклари, тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддилари йиғилган қабулларда муаммосига ечим излаб келган 60 га яқин тадбиркорлар мурожаати ўрганилиб, секторлар раҳбарлари, масъулларга ҳар бир мурожаат юзасидан топшириқ ва муддат белгиланди.

# Ўз хонадонида бандлигини таъминлаяпти

**Меҳрибон ИСМОИЛОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Урганч туманидаги Олтинкўл маҳалласида истиқомат қилувчи Зумрад Мадраҳимова ва келини Иродахон новвойлик билан шуғулланишади. Тадбиркор аёллар тандирда нон, патир, сомса ёпиб бериш хизматларини йўлга қўйишган. Новвойхонада ташкил қилинган замонавий хизматлар туфайли ҳар куни маҳалла аҳлига бу неъматлар етказиб бериляпти.**

Эътирофга молик жиҳат шуки, Зумрад опанинг келини ушбу фаолиятини қонуний рўйхатдан ўтказиб, ўзини ўзи банд қилган фуқаролардан бири. Яратилган имкониятларнинг яна бир қулайлиги, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудий меҳнат бўлимларига боришлари шарт эмас. Мобил телефони орқали солиқ органларидан рўйхатдан ўтишади ва матрицали штрих код (QR-код)га эга электрон маълумотнома олишади.

Эндиликда Иродахон каби кўплаб юртдошларимиз ўз фаолиятларини расман рўйхатдан ўтказиб иш юритишга қарор қилишган. Бу эса ўзларининг эртанги кундаги ижтимоий ҳимоясига замин бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан:**

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ

## 2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдоларини эълон қилади!

**Танлов савдолари эълон қилинган сана:** 2021 йил 9 апрель.

**Танлов таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:** эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

**Кўп қаватли уй-жойларни қуришни молиялаштириш манбаси:** тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларидан олинган кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

1. Танлов иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир танлов пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишлари мумкин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тадбиркорлик субъектларини қуйида келтирилган лотлар бўйича кўп қаватли уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини тақдим этишга таклиф қилади.

3. Танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июнда 355-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўтказилади.

4. Янги тартибга мувофиқ кўп квартирали уй-жойлар қурилишида рейтинг тизимига кирган кирган “СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

**5. Танлов иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва танлов ҳужжатлари билан танишиш учун Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйида кўрсатилган манзили бўйича мурожаат қилишлари мумкин:** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 59-“а” уй.

**Телефон:** (61) 222-36-25, **факс:** (61) 222-74-12.

**6. Танлов ҳужжатларининг нусхасини олиш учун иштирокчилар қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

“Қорақалпоғистон Республикаси, ________тумани, ___________массивидаги, ________ лот ___та кўп қаватли уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун танлов ҳужжатларини беришингизни сўрайман.” шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Танлов ҳужжатларини эълон чоп этилган санадан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови танлов ташкилотчисининг – Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган тўлов БЭКИҲМга тенг.

**Банк реквизитлари қуйида келтирилган:** ҳ/р: 2021 0000 9039 5251 8001 АТБ “Капиталбанк” Нукус филиали МФО 01038 СТИР 202 610 040.

**7. Танлов таклифлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

юқорида кўрсатиб ўтилган Қорақалпоғистон Республикаси қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига;

**таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;**

лотлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган сана ва вақтгача;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган тартибда таклиф кафолати сифатида декларация тақдим этиш;

**кўп квартирали уй-жойларни жойлаштиришнинг бош режаси, техник тавсифи ва лойиҳа эскизи;**

**квартиранинг бир квадрат метрининг (1 $м^2$) реализация нархи;**

**кўп квартирали уй-жойни ўз маблағлари ҳисобидан қуриш учун етарли маблағнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома.**

**8. Танлов таклифларини очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:** Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 59-“а” уй.

**9. Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Сўнгги 1 йил ичида бажарилган ўхшаш ҳажм ва характердаги битта шартнома суммаси (сўм) | Сўнгги 1 йилда бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 1 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 1 йилда қуриб битирилган объект майдони $м^2$ |
| Беш қаватли 30 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 7 500 000 000 | 4 000 000 000 | 900 | 850 | 1400 |
| Беш қаватли 20 квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 6 000 000 000 | 3 200 000 000 | 900 | 500 | 900 |

**Лотлар рўйхати**

| Лот № | Ҳудуд | Массив номи | Хонадон сони | Беш қаватли 20 хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Беш қаватли 30 хонадонли 2-3 хонали уйлар | | | Таклифларни топширишни охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | уй рақами | сони | хонадон | уй рақами | |
| | **ЖАМИ** | | **380** | **1** | **20** | | **12** | **360** | | |
| 1-ҚР | Амударё | Гулзор | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 10 май, 11.00 |
| 2-ҚР | Амударё | Гулзор | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 10 май, 11.00 |
| 3-ҚР | Беруний | Тўқимачи | 20 | 1 | 20 | 1 | | | | 2021 йил 10 май, 11.00 |
| 4-ҚР | Беруний | Тўқимачи | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 10 май, 11.00 |
| 5-ҚР | Қонликўл | Дослық | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 10 май, 11.30 |
| 6-ҚР | Қўнғирот | Қанлы | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 10 май, 11.30 |
| 7-ҚР | Қўнғирот | Қанлы | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 10 май, 11.30 |
| 8-ҚР | Тўрткўл | Уллубоғ | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 10 май, 11.30 |
| 9-ҚР | Тўрткўл | Уллубоғ | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 10 май, 12.00 |
| 10-ҚР | Хўжайли | Кун нури | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 10 май, 12.00 |
| 11-ҚР | Чимбой | Жипек жолы | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 10 май, 12.00 |
| 12-ҚР | Элликқалъа | Элликқалъа | 30 | | | | 1 | 30 | 1 | 2021 йил 10 май, 12.30 |
| 13-ҚР | Элликқалъа | Элликқалъа | 30 | | | | 1 | 30 | 2 | 2021 йил 10 май, 12.30 |

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№27 (478) 9 апреля 2021 года

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

## Республика Узбекистан

**Проект:** "Строительство современных жилых домов в сельской местности" (Фаза-2)

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004.**

**№ Конкурсных торгов 2021-01**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития с целью финансирования Проекта "Строительство современных жилых домов в сельской местности" (Фаза-2) с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство доступных типовых домов в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК "Кишлок курилиш инвест" – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства:

– 36 многоэтажных *(5-этажные, 2 и 3-х комнатные, 20 квартирные)* жилых домов по типовым проектам в сельской местности Бухарской, Наманганской, Джизакской и Андижанской областях. **Срок строительства составляет** – 7 (семь) месяцев;

– 2 *(5-этажные, 2 и 3-х комнатные, 30 квартирные)* жилых домов по типовым проектам в сельской местности Сырдарьинской области. **Срок строительства составляет** – 7,5 (семь с половиной) месяцев.

2. Национальные конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями Руководства по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР, а также Постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан №243 от 26 апреля 2017 года и №699 от 9 ноября 2020 года, при котором они не будут конфликтовать и открыты всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных Территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенным адресам в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

| | |
|---|---|
| **Бухарская область** | **Адрес:** г. Бухара, ул. Навои, 6. **Телефон:** 65-223-96-29. **Факс:** 65-223-97-51. |
| **Наманганская область** | **Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22. **Телефон:** 69-227-94-30. **Факс:** 69-227-91-47. |
| **Сырдарьинская область** | **Адрес:** г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30. **Телефон:** 67-227-64-84. **Факс:** 67-227-64-42. |
| **Джизакская область** | **Адрес:** г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, 1. **Телефон:** 72-771-64-31. **Факс:** 72-771-64-32. |
| **Андижанская область** | **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30. **Телефон:** 74-223-57-05. **Факс:** 74-223-57-05. |

4. Полный комплект тендерной документации составленный на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка 1 БРВ (базовая расчетная величина).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковские счета организаторов конкурсных торгов – Территориальным консалтинговым центрам по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| | |
|---|---|
| **Бухарская область** | **Банк:** филиал Сардор АКИБ "Ипотека-банк" **Р/с:**2021 0000 9035 5090 9001 **ИНН:** 202 435 424 |
| **Наманганская область** | **Банк:** филиал Юксалиш АКБ "HAMKORBANK" **Р/с:** 2021 0000 8031 9675 2001 **ИНН:** 202393842 |
| **Сырдарьинская область** | **Банк:** Сырдарьинский филиал Национальный банк ВЭД **Р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001 **ИНН:** 202585476 |
| **Джизакская область** | **Банк:** Джизакский филиал АКИБ "Ипотека-банк" **Р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001 **ИНН:** 202 411 803 |
| **Андижанская область** | **Банк:** Андижанский городской филиал АКБ "InFinBank" **Р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001 **ИНН:** 202453348 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организаторам конкурсных торгов с даты объявления конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Требуется приложить Тендерную гарантию к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по вышеуказанному адресу в пункте 3.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ №2021-01
## ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

**Проект:** "Строительство современных жилых домов в сельской местности" (Фаза-2)

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | 5-этажные, 2- и 3-х комнатные, 20 квартирные жилые дома | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| | **Бухара** | **3** | **200** | **10** | **200** | | |
| ИБР-18 | Алат | Халифа | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-19 | Алат | Халифа | 20 | 1 | 20 | 2 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-20 | Алат | Халифа | 20 | 1 | 20 | 3 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-21 | Алат | Халифа | 20 | 1 | 20 | 4 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-22 | Алат | Халифа | 20 | 1 | 20 | 5 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-23 | Когон | Сухор | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-24 | Когон | Сухор | 20 | 1 | 20 | 2 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-25 | Когон | Сухор | 20 | 1 | 20 | 3 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-26 | Вобкент | Дустлик | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-27 | Вобкент | Дустлик | 20 | 1 | 20 | 2 | 3 мая 2021 года, 15.00 |

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | 5-этажные, 2- и 3-х комнатные, 20 квартирные жилые дома | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| | **Наманган** | **1** | **100** | **5** | **100** | | |
| ИБР-28 | Пап | Миришкор | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-29 | Пап | Миришкор | 20 | 1 | 20 | 2 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-30 | Пап | Миришкор | 20 | 1 | 20 | 3 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-31 | Пап | Миришкор | 20 | 1 | 20 | 4 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-32 | Пап | Миришкор | 20 | 1 | 20 | 5 | 3 мая 2021 года, 15.00 |

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | 5-этажные, 2- и 3-х комнатные, 30 квартирные жилые дома | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| | **Сырдарья** | **1** | **60** | **2** | **60** | | |
| ИБР-33 | Баявут | Янгихаёт | 30 | 1 | 30 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-34 | Баявут | Янгихаёт | 30 | 1 | 30 | 2 | 3 мая 2021 года, 15.00 |

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | 5-этажные, 2- и 3-х комнатные, 20 квартирные жилые дома | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| | **Джизак** | **4** | **120** | **6** | **120** | | |
| ИБР-35 | Арнасой | Олтин водий | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.00 |
| ИБР-36 | Дустлик | А. Навоий | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.20 |
| ИБР-37 | Ш. Рашидов | Токчилик | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 15.40 |
| ИБР-38 | Ш. Рашидов | Токчилик | 20 | 1 | 20 | 2 | 3 мая 2021 года, 16.00 |
| ИБР-39 | Ш. Рашидов | Токчилик | 20 | 1 | 20 | 3 | 3 мая 2021 года, 16.20 |
| ИБР-40 | Зафаробод | Бустон | 20 | 1 | 20 | 1 | 3 мая 2021 года, 16.40 |

| № Лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | 5-этажные, 2 и 3-х комнатные, 20 квартирные жилые дома | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
